

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**“РЕВМАТОИД АРТРИТ”
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

Тошкент – 2025

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент тиббиёт академияси
ректори т.ф.д., профессор
Ш.А.Боймуратов



**«РЕВМАТОИД АРТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Мундарижа:

1.	Ревматоид артрит касаллигини ташхислаш ва даволаш	5-бет
2.	Ревматоид артрит касаллигида тиббий аралашувлар	50-бет
3.	Ревматоид артрит касаллиги тиббий профилактикаси ва реабилитацияси	57-бет

**“РЕВМАТОИД АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

Тошкент – 2025

1. Кириш қисми.

Ревматоид артрит касаллиги долзарблигини инобатга олиб далилларга асосланган маълумотлар ва тавсияларни тиббиёт ходимларига тақдим этиш, касалликни эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволаш бўйича ягона ёндашув тизимини ташкил этиш ва тадбиқ этиш. Ушбу протоколни ишлаб чиқиш учун Америка ревматологлари коллегияси/Артрит Фонди (ACR, 2021), Европа антиревматик лигаси (EULAR, 2022), Россия ревматологлар уюшмаси (APP, 2021) клиник кўрсатмалари, Кокрейн кутубхонаси (Cochrane Library) ва PubMed (MEDLINE) маълумотлари асос қилиб олинди.

Халқаро касалликлар классификатори – ХКК(МКБ)-10 коди:

(M05- M06) Серопозитив ревматоид артрит	
M05.0	Фелти синдроми
M05.1	Ўпканинг ревматоид касаллиги (j99.0)
M05.2	Ревматоид васкулит
M05.3	Бошқа аъзо ва тизимларга тарқалган ревматоид артрит
M05.8	Бошқа серопозитив ревматоид артритлар
M05.9	Ноаниқ серопозитив ревматоид артрит
M06 Бошқа ревматоид артритлар	
M06.0	Серонегатив ревматоид артрит
M06.1	катталарда ривожланадиган Стилл касаллиги
M06.2	Ревматоид бурсит
M06.3	Ревматоид тугунлар
M06.4	Яллиғланишли полиартропатия
M06.8	Бошқа аниқлаштирилган ревматоид артритлар
M06.9	Ноаниқ ревматоид артрит
Юклаб олиш (ХКК (МКБ)дан ҳавола)	https://mkb-10.com/index.php?pid=12105

МКБ 11	
FA20 Ревматоид артрит	FA20.0 Эрозияли ревматоид артрит
FA20.00 Бўғимдан ташқари зарарланишсиз эрозияли ревматоид артрит	FA20.01 Спленомегалия ва лейкопения билан кечувчи эрозияли ревматоид артрит
FA20.02 Ўпка касалликлари билан кечувчи эрозияли ревматоид артрит	FA20.03 Эрозияли ревматоид васкулит
FA20.04 Эрозияли ревматоид тугун	FA20.0Й Бошқа аниқланувчи эрозияли ревматоид артрит турлари
FA20.03 Аниқланмаган эрозияли ревматоид артрит	FA20.1 Эрозиясиз ревматоид артрит
FA20.10 Бўғимдан ташқари зарарланишсиз эрозиясиз ревматоид артрит	FA20.11 Спленомегалия ва лейкопения билан кечувчи эрозиясиз ревматоид артрит
FA20.12 Ўпка касалликлари билан кечувчи эрозиясиз ревматоид артрит	FA20.13 Эрозиясиз ревматоид васкулит
FA20.14 Эрозиясиз ревматоид тугун	FA20.1Й Бошқа аниқланувчи эрозиясиз ревматоид артрит турлари
FA20.13 Аниқланмаган эрозиясиз ревматоид артрит	FA20.3 Аниқланмаган ревматоид артрит

Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси: Баённома 2025 йил ишлаб чиқилган. Қайта кўриб чиқиш санаси 2028 йил;

Миллий клиник баённома ишлаб чиқиш учун масъул муассаса: РИТваТРИАТМ, Тошкент тиббиёт академияси.

Клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқишда ҳисса қўшганлар:

Жараённи ташкил этиш бўйича ревматология йўналиши бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

Азизова Ф.Л.	ТТА илмий ишлар бўйича проректор т.ф.д., профессор
Аляви Б.А.	РИТваТРИАТМ директори, т.ф.д., профессор
Мирахмедова Х.Т.	ССВ ревматология бўйича бош консультант т.ф.д., проф. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири.
Рахимова Д.А.	РИТваТРИАТМ лаборатория раҳбари т.ф.д., ССВ терапия хизмати бўйича бош мутахассис
Алиахунова М.Ю.	РИТваТРИАТМ ревматология бўлими мудири т.ф.д., профессор
Набиева Д.А.	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Дадабаева Н.А.	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.

Муаллифлар рўйхати:

Мирахмедова Х.Т.	ССВ ревматология бўйича бош консультант т.ф.д., проф. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири.
Рахимова Д.А.	РИТваТРИАТМ лаборатория раҳбари т.ф.д., ССВ терапия хизмати бўйича бош мутахассис
Алиахунова М.Ю.	РИТваТРИАТМ ревматология бўлими мудири т.ф.д., профессор
Дадабаева Н.А.	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.
Набиева Д.А.	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Джураева Э.Р.	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти, т.ф.н.
Хамраев Х.Х.	СамДТУ 1-сон ички касалликлар кафедраси доценти, т.ф.н.
Абдуллаев У.С.	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, т.ф.н.
Мухсимова Н.Р.	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, т.ф.н.
Бердиева Д.У.	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти, т.ф.н.
Нажмиддинов Г.Р.	Фарғона вилояти бош ревматологи
Бомуродова Д.Б.	Бухоро вилояти бош ревматологи

Такризчилар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич	–Тошкент тиббиёт академияси 2- сон оилавий тиббиётда ички касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Шукурова Сураё Мақсудовна	– Тожикистон Фанлар академияси аъзоси, Малака ошириш институти терапия ва кардиоревматология кафедраси мудири т.ф.д., профессор.

Клиник баённома ТТА илмий кенгашида кўриб чиқилди ва _____
сонли баённомаси билан тасдиқланди.

Техник экспертиза ва таҳрирлаш:

1. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти Н.Мухсимова;
2. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти Г.Саидрасулова.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи мутахассисларининг эксперт баҳоси:

1. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудири, т.ф.н., ССВ болалар ревматологи маслаҳатчиси Сабирова Феруза Бадриддиновна.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Клиник протоколларнинг қабул қилиниши ва амалиётда қўлланилишини баҳолаш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлашнинг амалий бўғини вакиллари билан биргаликда амалга оширилди.

Амалиётчи шифокорлар:

1. М.В.Мирхамидов – ТТА кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлими мудири.
2. З.Х.Махмудова – Тошкент шаҳри 1-ШКШ ревматология бўлими мудири.
3. Н.А.Абдувалиева – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри КТМП ревматолог шифокори.

Баённома протоколда фойдаланилган қисқартмалар:

АБ	– абатацепт;
АДА	– адалимумаб;
АМА	– анти-медикаментоз антитело;
АЛТ	– аланинаминотрансфераза;
АСТ	– аспартатаминотрансфераза;
АЦЦП	– циклик цитруллинирланган пептидларга антителолар;
БЯҚП	– базис яллиғланишга қарши препаратлар;
ВАШ	– визуал-аналог шкала;
ОИТВ	– одам иммунитет танқислиги вируси;
ГИБП	– ген-инженер биологик препаратлар;
ГК	– глюкокортикоидлар;

ГЛМ	– голимумаб;
ГГТ	– гаммаглутамилтранспептидаза;
ГХ	– гидроксихлорохин;
ДЮЕ	– димланган юрак етишмовчилиги;
ЮИК	– юрак ишемик касаллиги;
ЎИК	– ўпканинг интерстициал касаллиги;
ИЛ	– интерлейкин;
IgG	– иммуноглобулин G;
ИНФ	– инфликсимаб;
α-ЎНО	– α -ўсма некроз омили;
ЛФ	– лефлуноמיד;
ЮЗЛ	– юқори зичликдаги липопротеин;
ПЗЛ	– паст зичликдаги липопротеин;
ЖПЗЛ	– жуда паст зичликдаги липопротеин;
ДЖТ	– даволовчи жисмоний тарбия;
МРТ	– магнит-резонанс томография;
МТ	– метотрексат;
НДА	– дифференциалашмаган артрит;
НЯҚВ	– ностероид яллиғланишга қарши воситалар;
НР	– ножўя реакция;
БОБ	– беморнинг оғриқни баҳолаши;
БКУБ	– беморнинг касалликни умумий баҳолаши;
ПФБ	– проксимал фалангалараро бўғим;
КФБ	– кафт-фалангалар бўғими
ПЛБ	– плюснофаланга бўғими
РА	– ревматоидный артрит
РКТ	– рандомизирланган клиник текширув
РТМ	– ритуксимаб
РФ	– ревматоид фактор
СИР	– стандарт инфузион реакция
ТҚБ	– тизимли қизил бўрича
ЭЧТ	– эритроцитлар чўкиш тезлиги
СРО	– С-реактив оқсил
ССЗ	– сульфасалазин
тсБПВП	– таргет синтетик базис яллиғланишга қарши препарат
ТЦЗ	– тоцилизумаб
УТТ	– ультратовуш текширув
ЦЗП	– цертолизумаб пегол
ОБС	– оғриқли бўғимлар сони
ШБС	– шишли бўғимлар сони
ЭЗФГДС	– эзофагогастроуденоскопия
ЭТ	– эрготерапия
ЭТЦ	– этанерцепт
ACR	– American College of Rheumatology
CDAI	– Clinical Disease Activity Index
DAS	– Disease Activity Index
EULAR	– European League Against Rheumatism
HAQ	– Health Assessment Questionnaire
NICE	– National Institute for Health and Care Excellence
SDAI	– Simplified Disease Activity Index

Мазкур ташхис/нозология бўйича протоколнинг фойдаланувчилари:

- 1.Ревматологлар;
- 2.Терапевтлар;
- 3.Умумий амалиёт шифокорлари;
- 4.Травматологлар – ортопедлар;
5. ЖТШ шифокори, физиотерапевт
- 6.Тиббиёт олийгоҳлари магистрлари, клиник ординаторлари ва катта курс талабалари.

Беморлар тоифаси:

Ревматоид артритли беморлар

Диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун далиллар даражасини баҳолаш шкаласи (ДД)

ДД	Далилларнинг ишончлилик даражаси
1a	Юқори сифатли мета-таҳлиллар, тизимли шарҳлар рандомизирланган назоратли тадқиқотлар (РНТ) ёки тизимли хатолар хавфи жуда паст бўлган РНТ
1b	Юқори сифатли мета-таҳлиллар, тизимли, ёки тизимли хатоликлар паст хавфи билан камида бир марта ўтказилган РНТ
2a	Рандомизациясиз камида бир марта ўтказилган РНТ, хатолик паст даражаси
2b	Аралашини самараси ўртача хавфи ёки тизимли хатолар ва сабаб муносабатларнинг ўртача эҳтимоли билан яхши ўтказилган ҳодиса-назорат ёки когорт изланишлар
3	Ноаналитик тадқиқотлар (масалан: ҳодисалар тавсифи, ҳодисалар кетма-кетлиги, ҳодиса-назорат тадқиқотлари)
4	Эксперт хулосаси / клиник тажриба, кузатишлар

Профилактика, диагностика, терапевтик ва реабилитация тадбирлари бўйича тавсиялар (РТТ) нинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	
A	Юқори сифатли мета-таҳлил, РНТ тизимли шарҳлар ёки тизимли хатолик

	эҳтимоли жуда кам бўлган йирик РНТ, уларнинг натижалари тегишли ўзбек популяциясига мос келиши мумкин
B	Юқори сифатли шарҳлар ёки когорт ёки ҳодиса-назорат тадқиқотлар тизимли шарҳи ёки тизимли хатолар хавфи жуда паст бўлган юқори сифатли когорт ёки ҳодиса-назорат тадқиқотлари ёки тизимли хатолари хавфи жуда юқори бўлмаган РНТ, уларнинг натижалари тегишли ўзбек популяциясига мос келиши мумкин.
C	Когорт ёки ҳодиса-назорат тадқиқотлар ёки тизимли хатолари хавфи жуда юқори бўлмаган рандомизациясиз назоратли тадқиқотлар, уларнинг тегишли ўзбек популяциясига мос келиши мумкин ёки тизимли хатолар хавфи жуда паст бўлган ёки хавфи жуда юқори бўлмаган РНТ, уларнинг натижалари бевосита тегишли ўзбек популяциясига мос келиши мумкин.
D	Бир қатор ҳодисалар тавсифи ёки назоратсиз тадқиқотлар ёки экспертлар хулосаси.

2. Асосий қисм.

2.1. Кириш:

Ревматоид артрит муаммосининг долзарблиги, энг юқори касалланиш даражаси меҳнатга лаёқатли 40-55 ёшга тўғри келади. РА касаллик бошланган дастлабки 3-5 йил ичида беморларнинг ярмида доимий меҳнатга лаёқатсизликни келтириб чиқаради. РАда юрак-қон томир патологияси, оғир инфекциялар, онкологик касалликларни юзага келиши, касалликка хос асоратларнинг юқори даражада учраши туфайли беморларнинг умр кўриш давомийлигини сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Касаллик бошланганидан 20 йил ўтгач, беморларнинг 60-90% иш қобилятини йўқотади ва 1/3 қисми бутунлай ногирон бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан, ревматоид артритни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш беморлар саломатлигини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимига тушаётган ижтимоий-иқтисодий юкни камайтиришда катта аҳамиятга эга.

[<https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/402775973/>]

2.2. Умумий таърифи:

Ревматоид артрит - этиологияси номаълум иммун яллиғланиш (аутоиммун) ревматик касаллик бўлиб, эрта ногиронликка олиб келади ва беморларнинг умр кўриш муддатини қисқартирадиган сурункали эрозив артрит ва ички органларнинг тизимли зарарланиши билан кечадиган касаллик. Касалликнинг этиологияси кўп омилли бўлиб, унинг юзага келиши генетик ва муҳит омилларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. РА дунёнинг ривожланган мамлакатларида ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, соғлиқни сақлаш, иқтисод тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Популяцияда умумий тарқалиш 1-2% орасида ўзгариб туради. Россия эпидемиологик тадқиқотида кўра, қарийб 800 минг киши РАдан азият чекмоқда, бу аксарият Европа мамлакатларидаги РА учраш сонига тўғри келади.

[<https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BC%D0%B0%D1%82%D0%BE%D0%B8%D0%B4%D0%BD%D1%8B%D0%B9-%D0%B0%D1%80%D1%82%D1%80%D0%B8%D1%82-%D0%BA%D0%BF-%D0%BA%D1%8B%D1%80%D0%B3%D1%8B%D0%B7%D1%81%D1%82%D0%B0%D0%BD-2022/17761>]

Ревматоид артрит бугун дунёда кенг тарқалган ва барча этник гуруҳларга таъсир қилади. Ривожланган мамлакатларда тарқалиш даражаси 0,5-1% (қарияларда 5%) гача. Ҳар йили 100 000 аҳолига 5 дан 50 гача одам касалланади. Касалликнинг ўртача бошланиш ёши аёлларда 40-50 ёшни, эркекларда эса бироз кўпроқни ташкил қилади. Аёллар эркекларга қараганда 3-5 марта тез-тез касал бўлишади.

[<https://webmed.irkutsk.ru/doc/pdf/kr250.pdf>]

2.3.Клиник таснифи:

(«Россия ревматологлар ассоциацияси» Умумроссия жамоат ташкилоти бошқаруви пленумининг мажлисида қабул қилинган, 2007 й.):

I. Асосий ташхис:

Серопозитив ревматоид артрит (M05.8);

Серонегатив ревматоид артрит (M06.0);

Ревматоид артритнинг алоҳида клиник шакллари:

Фелти синдроми (M05.0);

Катталарда Стилл касаллиги (M06.1).

Эҳтимолли ревматоид артрит (M05.9, M06.4, M06.9).

РА серопозитивлиги ва серонегативлиги ревматоид омил ва/ёки циклик цитруллинирланган оқсиллар антитаначалари (АЦБ) аниқланишига қараб белгиланади, уларни аниқлаш учун стандартлаштирилган лаборатория усулларидадан фойдаланиш лозим.

II. Клиник босқичи:

Жуда эрта босқичи: касаллик давомийлиги 6 ойгача;

Эрта босқич: касаллик давомийлиги 6 ойдан - 1 йилгача;

Ифодаланган босқич: касалликка хос белгилар кузатилганда касаллик давомийлиги 1 йилдан ортиқ;

Кечки босқич: касаллик давомийлиги 2 йил ва ундан ортиқ + майда (III—IV рентгенологик босқич) ва йирик бўғимларда кучли деструкция, асоратлар мавжудлиги.

III. Касаллик фаоллик даражаси:

0 - ремиссия ($DAS28 < 2,6$, ЭЧТ ва СРО – норма)

I – паст ($2,6 < DAS28 < 3,2$, ЭЧТ ва СРО 20гача)

II - ўртача ($DAS28 = 3,2-5,1$, ЭЧТ ва СРО 20-40)

III - юкори ($DAS28 > 5,1$, ЭЧТ ва СРО > 40)

Фаолликни базавий баҳолаш сифатида DAS28 индексини қўллаш тавсия этилади.

DAS28 ҳисоблаш формуласи:

$DAS28 + 0,56\sqrt{OBC} + 0,28\sqrt{ШБС} + 0,70\ln ЭЧТ + 0,014 БСХУБ$

Бунда, ОБС- оғриқли бўғимлар сони, ШБС– ишли бўғимлар сони қуйидаги 28дан: елка, тирсак, билаккафт, қўл кафтлари, проксимал фалангалараро, тизза, ЭЧТ –Вестергрэн усулида эритроцитлар чўкиш тезлиги,

БСХУБ – беморлар соғлиги ҳолатининг умумий баҳоси 100 миллиметрли визуал аналог шкала бўйича, мм. да

DAS28 билан мос келиши исботланган бошқа фаолликни ҳисоблаш усуллари ҳам қўллаш мумкин.

Бўғимлардан ташқари (тизимли) белгилар:

Ревматоид тугунчалар;

Ревматоид васкулит (ярали-некротик васкулит, тирноқ ўриндиғининг инфаркти, дигитал артериит, ливедо-ангиит);

Нейропатиялар (мононеврит, полинейропатия);

Плеврит (курук, эксудатив), перикардит (курук, эксудатив);

Шегрен синдроми;

Кўзнинг зарарланиши (склерит, эписклерит, тўр парда васкулити);

Ўпканинг интерстициал касаллиги

IV. Инструментал тавсифи:

Эрозиялар мавжудлиги ёки йўқлиги (рентгенография, МРТ, УТТ маълумотлари):
ноэрозив;

эрозив

Рентгенологик босқич (Штейнброкер бўйича, модификацияланган):

I – бўғимолди остеопорози;

II - бўғимолди остеопорози + бўғим тирқишининг торайиши, бир нечта эрозиялар;

III – олдинги босқич белгилари + кўп сонли эрозиялар + бўғимлар чиқиши;

IV - олдинги босқич белгилари + суяк анкилози.

V. Қўшимча иммунологик тавсиф - Циклик цитруллинирланган пептидларга антианачалар (АЦЦП):

АЦЦП - мусбат

АЦЦП – манфий

VI. Функционал синф:

I синф - ўз-ўзига хизмат қилиш имкониятлари тўлиқ сақланган ҳолда касбий ва нокасбий фаолият билан шуғулланиш.

II синф - ўз-ўзига хизмат қилиш имкониятлари тўлиқ сақланган ҳолда нокасбий фаолият билан шуғулланиш, касбий фаолият билан шуғулланиш имкониятлари чекланган.

III синф - ўз-ўзига хизмат қилиш имкониятлари тўлиқ сақланган ҳолда касбий ва нокасбий фаолият билан шуғулланиш имкониятлари чекланган.

IV синф – ўз-ўзига хизмат қилиш, касбий ва нокасбий фаолият билан шуғулланиш имкониятлари чекланган.

Ўз-ўзига хизмат қилиш: кийиниш, овқатланиш, ўзини парваришлаш ва ҳ.

Нокасбий фаолият: дам олиш элементлари, бўш вақтдан фойдаланиш, жинси ва ёшни ҳисобга олган ҳолда спорт билан шуғулланиш ва б.

Касбий фаолият: иш, ўқиш, жинси ва ёшни ҳисобга олган ҳолда уй ишлари билан шуғулланиш (уй хизматчилари учун).

VII. Асоратлар:

Иккиламчи амилоидоз.

Иккиламчи остеоартроз

Генераллашган остеопороз

Остеонекроз

Туннел синдромлар (карпал канал синдроми, тирсак, катта болдир нервлари сиқилиш синдроми).

Атланта-аксиал бўғим чиқиши, шунингдек миелопатия билан, бўйин умуртқасининг нотурғунлиги.

Қон томирларнинг атеросклеротик шикастланиши.

Ташхисда ақс эттириш лозим:

Асосий ташхис

Серопозитивлик, серонегативлик
 Клиник босқич
 Касаллик фаоллиги
 Бўғимдан ташқари (тизимли) белгилари,
 Инструментал тавсифи,
 АЦЦП мавжудлиги,
 Функционал синфи
 Асоратлари.

[https://www.rnmot.ru/public/uploads/RNMOT/clinical/2021/%D0%A0%D0%9D%D0%9C%D0%9E%D0%A2_%D0%9C%D0%B0%D0%B7%D1%83%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%93%D0%B0%D0%B9%D0%B4%D1%83%D0%BA%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D0%98%D0%97_%D0%A0%D0%90_%D0%B8%D1%81%D0%BF%D1%80.pdf]

3. Усуллар, ёндашувлар ва ташхислаш жараёнлари.

3.1. Ташхислаш мезонлари:

Ревматоид артритнинг таснифий мезонлари

РА ташхиси ACR/EULAR 2010й таснифлаш мезонларига асосланади

Америка ревматологлар коллегияси, 1987й.

	Мезонлар	Изоҳ
1	Эрталабки карахтлик	Кўрсатилган етита мезонлардан ҳар қандай тўрттасининг мавжудлигида РА ташхиси қўйилади. 1-дан 4-гача мезонлар беморда камида 6 ой давомида кузатилган бўлиши лозим.
2	Учта ва ундан ортиқ катта бўғимлар артрити	
3	Кафт бўғимлари артрити	
4	Симметрик артрит	
5	Ревматоид тугунчалар	
6	Қон зардобдаги ревматоид омил	
7	Рентгенологик ўзгаришлар	

Бироқ ҳозирги кунда бу мезонлар ўз долзарблигини йўқотган, чунки улар касалликнинг дастлабки 6 ойида 20-40% аҳолида РА ташхисини қўйиш имконини беради, бу ҳозирги қарашларга кўра ўз вақтида ва самарали даволашни бошлаш учун тўғри келмайди.

Ревматоид артритнинг таснифий ташхислаш мезонлари

ACR/EULAR 2010й.

Бўғимларнинг клиник шикастланиши (объектив текширувда шиш ва/ёки оғриқ) (0-5 балл)	Баллар
• 1- йирик бўғимлар	1
• 2-10 йирик бўғимлар	2
• 1-3 майда бўғимлар (йирик бўғимлар ҳисобга олинмайди)	3
• 4-10 майда бўғимлар (йирик бўғимлар ҳисобга олинмайди)	5
• >10 бўғимлар (камида 1 та майда бўғим)	
РО ва АЦЦП тестлари (0-3 балл, камида 1та тест талаб қилинади)	
• Салбий	0
• РО ёки АЦЦП учун кучсиз ижобий (норманинг юқори чегарасидан 3 мартагача ошган)	2 3
• РО ёки АЦЦП учун кучли ижобий (норманинг юқори чегарасидан 3	

мартадан кўп ошган)	
Ўткир фазали кўрсаткичлар (0-1 балл, камида 1та тест талаб қилинади)	1
<ul style="list-style-type: none"> • ЭЧТ ва СРО нормал миқдорлари • ЭЧТ ёки СРО ортиши 	
Синовитнинг давомийлиги (0-1 балл)	
<ul style="list-style-type: none"> • < 6 ҳафта • ≥6 ҳафта 	0 1

Мезон биринчи навбатда РАни эрта ташхислашга қаратилган
РА ташхисини қўйишда қуйидагилар зарур:
беморда камида битта бўғим шишганлигини аниқлаш
бўғимларнинг яллиғланиш ўзгариши билан бирга бўлиши мумкин бўлган бошқа касалликларни истисно қилиш.

4 та бўлимда мумкин бўлган ўнтадан камида 6 балл тўплаш.

Асосий ўринни яллиғланган ва оғриқли бўғимларнинг сонини аниқлаш эгаллайди.

Шу мезонлар асосида 4 та бўғимлар туркуми ажратилади

Бўғимлар туркуми:

Истисно бўғимлар: дистал фалангаларо бўғимларнинг, биринчи билак-кафт ва биринчи оёқ кафти бўғимларнинг ўзгаришлари ҳисобга олинмайди
Йирик бўғимлар: елка, тирсак, чаноқ-сон, тизза, болдир-оёқ кафти
Майда бўғимлар: пястнофаланг, проксимал фалангаларо, 2-5 плюснефаланг, кафт катта бармоғининг фалангаларо бўғимлари, билак-кафт бўғимлари
Бошқа бўғимлар: РАда шикастланган, аммо юқоридаги гуруҳларга киритилмаган бўғимлар (масалан, ёноқ-пастки жағ, акромиал-ўмров, тўш-ўмров ва б.)

Клиник ташхисни шакллантиришга мисоллар:

Серопозитив ревматоид артрит (M05.8), ифодаланган босқич, фаоллик II, эрозив (рентген II босқич), тизимли кўринишлар билан (ревматоид тугунчалар), АЦЦП (-), ФС II.

Серонегатив ревматоид артрит (M06.0), эрта босқич, фаоллик III, эрозиясиз (рентген босқич I), АЦЦП (+), ФС I.

Серопозитив ревматоид артрит (M05.8), кечки босқич, фаоллик II, тизимли белгилар билан (ревматоид тугунчалар, дигитал артерит), эрозив (рентген босқичи III), АЦЦП (текширилмаган), ФС III, асоратлар – ўнг томонлама карпал канал синдроми, буйрак зарарланиши билан иккиламчи амилоидоз.

Эхтимолли ревматоид артрит (M06. 9), серонегатив, эрта босқичи, фаоллик II, нозрозив (рентген босқичи I), АЦЦП (+), ФС I.

[<https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/402775973/>]

Клиник ташхислаш

Шикоятлари:

оғриқ, артралгиялар, шиш, асосан майда кафт бўғимларда эрталабки карахтлик мушт қилишга қийналиш ва юрганда оёқ бармоқлари асосида оғриқ бўлиши

тез чарчаш

умумий ҳолсизлик

озиб кетиш

субфебрилитет

Анамнези:

Артрит симптомларининг давом этиши

Эрталабки қарахтлиқ мавжудлиги ва давомийлиги

Бўғимлардаги оғриқларнинг «суткалик ритми»

Бўғимларнинг симметрик шикастланиш белгиларининг турғунлиги

Ёндош касаллиқлар, олдинги ва қўшимча терапия, даволаш усулларини танлашга таъсир қиладиган зарарли одатлар, яқин ва узоқ муддатли прогнозни баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар.

Физикал текширувлар:

Шиш, ҳаракатнинг чекланиши, деформация;

кафт фалангалари, проксимал фалангалараро, билак бўғимларининг симметрик полиартикуляр яллиғланиши оёқ кафти ёки йирик бўғимларнинг шикастланишига нисбатан устунлиқ қилиши мумкин;

қўл ва/ёки оёқларда «кўндаланг сиқилиш» нинг ижобий тести;

суяклараро мушакларнинг атрофияси;

ревматик тугунчалар;

лимфаденопатия.

РАнинг клиник белгилари

Клиник босқичлари ва шакллари	Симптомлари
Эрта	УАШ ревматолог шифокор маслаҳатига йўлланма бериш учун РАга шубҳа уйғотадиган қуйидаги модификацияланган мезонларни аниқлаш лозим (Emery, et.al., 2002): уч ёки ундан ортиқ яллиғланган бўғимларнинг мавжудлиги; кафт фалангалари ва плюснефалангалар бўғимларнинг шикастланиши, қўл ва/ёки оёқларнинг «кўндаланг сиқилиш» нинг ижобий тести; эрталабки қарахтлиқ давомийлиги 30 дақиқа ва ундан ортиқ бўлиши
Дебют вариантлари	Аста-секин (бир неча ой ичида) қўл панжа майда бўғимларида (ҳолатларнинг ярмида) оғриқ ва қарахтлиқ кучайиб бориши билан симметрик полиартрит ривожланиши. Асосан қўл ва оёқ бўғимларининг шикастланиши билан ўткир полиартрит, эрталабки яққол қарахтлиқ, қонда ревматоид омил Тизза ёки елка бўғимларининг моно-олигоартрити, жараёнга қўл ва оёқ майда бўғимларини тез жалб қилиниши билан. Септик ёки микрокристалли артритга ўхшаш катта бўғимларнинг ўткир моноартрити. Тизимли намоён бўлган ўткир олиго- ёки полиартрит (фебрил иситма, лимфаденопатия, гепатоспленомегалия). Кўпинча ёшларда (катталардаги Стилл касаллигига ўхшаш). "Палиндром ревматизм": тизза ва тирсак бўғимларининг ўткир

	<p>носимметрик полиартритининг кўп такрорланадиган хуружлари, бир неча соат ёки кунлар давом этади ва тўлиқ тикланиш билан якунланади.</p> <p>Кўпинча билак бўғимларида такрорланадиган бурсит ва теносиновит.</p> <p>Кекса ёшдаги ўткир полиартрит: кичик ва катта бўғимларнинг кўплаб зарарланиши, қаттиқ оғриқ, диффуз шиш ва бўғим ҳаракатчанликнинг чекланганлиги. "РССЁШ синдроми" (ремитирловчи серонегатив симметрик синовит ёстиқсимон шиш билан)</p> <p>Қарияларда генераллашган миалгия, карахтлик, депрессия, икки томонлама карпал туннел синдроми, вазн йўқотиш. Ревматик полимиалгияни эслатади.</p>
Кечки	<p>Қўллар: улнар оғиш, одатда касаллик бошланганидан 1-5 йил ўтгач ривожланади; "боутонерка" типигаги қўл панжа бармоқлари зарарланиши (проксимал фалангалараро бўғимларда букилиш) ёки "оққуш бўйни" (проксимал фалангалараро бўғимларда ортиқча ёзилиши); қўл панжасининг "лорнетка" сифатида деформацияси.</p> <p>Тизза бўғимлари: букилиш ва валгус деформацияси, Бейкер кистаси.</p> <p>Оёқлар: плюснефаланг бўғимларнинг бошлари чиқиши, тиббал оғиш, бош бармоқнинг деформацияси.</p> <p>Бўйин умуртқаси: атлантоаксиал бўғим соҳасида чиқиш, баъзан орқа мия ёки умуртқа артериясининг босилиши билан асоратланиши мумкин.</p> <p>ангуш-чўмичсимон бўғим: овознинг дағаллашиши, хансираш, дисфагия, қайталанувчи бронхит.</p> <p>Боғлов аппаратлари ва синовиал қопчалар: билак ва кафт бўғимлари тендосиновити; кўпинча тирсак бўғими бурсити; тизза бўғимининг орқа қисмидаги синовиал киста (Бейкер кистаси).</p>
Алоҳида клиник шакллар Фелти синдроми	<p>нейтропения;</p> <p>спленомегалия;</p> <p>гепатомегалия;</p> <p>бўғимларнинг оғир жароҳати;</p> <p>бўғимдан ташқари белгилар (васкулит, нейропатия, ўпка фибрози, Шегрен синдроми);</p> <p>оёқлар териси гиперпигментацияси;</p> <p>инфекцион асоратларнинг юқори хавфи.</p>
Катталарда Стилл касаллиги	<p>рецидивланувчи фебрил иситма;</p> <p>юқори лаборатор фаолликка эга артрит;</p> <p>РФ, АЦЦП бўйича серонегатив;</p> <p>макулопапулёз тошма.</p>

<p>Дифференциацияланмаган артрит</p>	<p>НДА: маълум бир нозологик шаклга кирмайдиган бир ёки бир нечта бўғимларнинг яллиғланишли шикастланиши, РА ёки бошқа кассалликлар бўйича тасниф мезонларига тўғри келмайди.</p> <p>РА ўзига хос бўлмаган белгилардан бошланиб, мезонлар бўйича ташхис қўйиш имкони бўлмайди. НДА вариантынинг кўп учрайдиган белгилари:</p> <p>Йирик бўғимлар олигоартрити Кўл панжа бўғимларининг асимметрик артрити Кўл панжа бўғимларининг РФ бўйича серонегатив олигоартрити Нотурғун полиартрит</p>
<p>Тизимли белгилари</p>	<p>Конституционал белгилар: генераллашган ҳолсизлик, чарчаш, озиб кетиш, субфебрил иситма.</p> <p>Юрак қон томир тизими: перикардит, васкулит, атеросклерознинг эрта ривожланиши.</p> <p>Ўпкалар: плеврит, ўпканинг интерстициал касалликлари, ўпкадаги ревматоид тугунлар (Каплан синдроми).</p> <p>Тери: ревматоид тугунлар (қаттиқ консистенцияли, оғриқсиз, ён тўқималар билан ёпишган, тирсак ва кафт пайлари соҳасида) дигитал артериит, некрозланувчи васкулит, тўрсимон ливедо, оёқ ва қўл кафтлари капиллярити, геморрагик васкулит</p> <p>Асаб тизими: компрессион нейропатия, симметрик сенсор-мотор нейропатия, кўп сонли мононеврит, бўйин миелити.</p> <p>Мушаклар: генераллашган амиотрофия.</p> <p>Кўзлар: курук кератоконъюнктивит, эписклерит, склерит, периферик ярали кератопатия.</p> <p>Буйраклар: амилоидоз, васкулит, нефрит (баъзан).</p> <p>Қон тизими: анемия, тромбоцитоз, нейтропения</p>

[<https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BC%D0%B0%D1%82%D0%BE%D0%B8%D0%B4%D0%BD%D1%8B%D0%B9-%D0%B0%D1%80%D1%82%D1%80%D0%B8%D1%82-%D0%BA%D0%BF-%D0%BA%D1%8B%D1%80%D0%B3%D1%8B%D0%B7%D1%81%D1%82%D0%B0%D0%BD-2022/17761>]

Лаборатор текширувлари.

Асосий лаборатор текширувлари:

- умумий қон таҳлили;
- умумий пешоб таҳлили;

Қўшимча лаборатор текширувлари:

- СРО, ревматоид омил (IgM РО)
- АЦЦП
- Қон биохимик таҳлили: АСТ и АЛТ, креатинин, глюкоза
- гепатит В, С, ОИВ вируслари маркерлари
- Ҳомиладорликка тест

- Липидлар профили
- Антинуклеар омил
- IgG концентрацияси
- Манту туберкулин синамасы ва/ёки Диаскин тести

РАнинг асосий ташхислаш биомаркерлари

Ревматоид омил (IgM РО)

АЦЦП (цитруллинирланган оқсиллар антитаначаси), биринчи навбатда циклик цитруллинирланган пептидлар антитаначалари

РО Иммуноглобулин IgM – сезгир, аммо РАнинг етарли даражада махсуслиги кам маркери, юқори титр – бўғимларнинг тез авж олувчи деструкцияси ва тизимли белгиларда кузатилади.

АЦЦП – РАнинг махсус ва аниқ маълумот берадиган маркери, айникса эрта босқичларида.

I A	Ташхис қўйиш, таққослама ташхис ўтказиш ва бўғимларнинг тез авж олувчи деструкциясини олдиндан аниқлаш учун барча беморларда РО ва АЦЦПни аниқлаш тавсия этилади
-----	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ЭЧТ – тизимли яллиғланишнинг юқори сезгир, аммо носпецифик ва нотурғун маркери.

СРО – яллиғланиш фаоллигини баҳолаш, бўғимларнинг деструкцияси тезлигини башорат қилиш учун қўлланилади.

Синовиял суюқлик синовит бўлган беморларда РАнинг микрокристаллик ёки септик артритни таққослама ташхис қилиш учун қўлланилади.

Липидлар профилини (биринчи навбатда ТЦЗ ва ТОФА тайинлашни режалаштиришда) тўлиқ текшириш керак.

IgG концентрацияси (биринчи навбатда РТМ ни даволашни режалаштиришда)

Диаскин-тест – Туберкулез инфекциясини аниқлаш мақсадида, ген-инженер биологик препаратларни (ГИБП) қўллашдан олдин, ва кейинчалик 1 марта ҳар 6 ойда.

[<https://autoimmun.ru/upload/iblock/0c5/Lapin-S.V.-Maslyanskiy-A.L.LABORATORNAYA-DIAGNOSTIKA-REVMATOIDNOGO-ARTRITA-NOVYE-PERSPEKTIVY.pdf>]]

Инструментал текширувлар.

Асосий инструментал текширувлари:

- Қўл ва оёқ қафтларининг қўламли рентгенографияси;
- Бўғимларни ультратовуш текшириш;
- МРТ

Қўшимча инструментал текширувлари:

- Ўпка R-графияси ва/ёки КТ
- ЭКГ
- Эхокардиография
- ЭГФДС
- Денситометрия

IV D	Қўл ва оёқ қафтларининг рентгенографияси – бирламчи текшириш ва кейин ҳар йилги бўғимлар деструкциясининг авж олишини баҳолашдаги асосий
------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ташхислаш усули бўлиб ҳисобланади.

Рентгенография III ва IV R-босқичли беморларда кўрсатма бўйича ўтказилади. Артритнинг эрта рентгенологик белгилари қуйидагилар: 2- ва 3- қўл панжа пястнофаланг бўғимида, 3- проксимал фалангалараро бўғимларда, кафт бўғимларида, кафт билак бўғимларида, тирсак суяқларининг ўксимон ўсимтасида, 5- оёқ панжаси плюснефаланг бўғимларида. Мунтазам усул сифатида РА катта бўғимларнинг рентгенографияси тавсия қилинмайди ва фақат махсус кўрсатмалар (аваскулер некроз, септик артрит ва бошқаларга гумон қилинганда) бўйича амалга оширилади.

I A	УТТ -бўғимларнинг энергетик доплер билан ультратовушли текшириш яллиғланиш даражасини ва ремиссия давомийлигини башоратлаш имконини беради. .
-----	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

УТТ Бўғимларни ультратовушли текширишда "кулранг шкала" бўйича қуйидаги мезонлар баҳоланади: синовиал мембрананинг қалинлашиши, бўғимда суюқлик мавжудлиги, бўғим юзаси контурининг бузилиши (эрозияга мос келади), периартикуляр тўқималарнинг ўзгариши (теносиновит). Энергетик доплер текширишда сигналнинг локализацияси, тарқалиши ва интенсивлиги аниқланади, бу эса яллиғланишнинг оғирлигини баҳолашга имкон беради.

Қўл бўғимларнинг ультратовуши РАни эрта ташхислаш ва башорат қилишда аҳамиятга эга, БПВП ва ГИБП билан даволаш фонида ремиссия сақланишини башоратлаш имконини беради.

Бўғим МРТси – бўғимларнинг стандарт рентгенографиясига қараганда РАни аниқлашнинг сезгир усули ҳисобланади. Артритнинг МРТ-белгилари ўзига хос эмас. МРТ томонидан аниқланган ўзгаришлар (синовит, теносиновит, суяк илиги шиши ва суяк тўқималарининг эрозияси) бўғимларнинг деструкциясини башоратлиш имконини беради.

IV D	Эрта РА ва дифференцияланмаган артрит ташхисини қўйиш қийин бўлганда кафтлар МРТси тавсия этилади
------	---------------------------------------------------------------------------------------------------

IV D	Кўкрак қафаси рентгенограммаси нафас аъзоларининг ревматик зарарланиши ва ўпканинг йўлдош касалликларини аниқлаш учун дастлабки текширув пайтида, БПВП ва ГИБП терапиясини тайинлашдан олдин ва кейин, сўнгра эса ҳамда ҳар йили ўтказилади
------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Ўпка компьютер томографияси қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

Ўпканинг диффуз (интерстициал) ёки ўчоқли (ревматоид тугунчалар) шикастланишларини аниқлаш учун

Бўғимлар ва ўпканинг шикастланиши (саркоидоз, хавфли ўсмалар ва б.) билан кечадиган бошқа касалликлар билан РАни таққослама ташхис қилиш учун даволаш усулини танлашга таъсир қиладиган ёки НЛР (сил, интерстициал ўпка касаллиги, ва ҳоказо) хавфини ошириши мумкин бўлган ёндош касалликларни ташхислаш учун.

ЭКГ ва ЭхоКГ юрак-қон томир патологияси ташхис учун беморларда бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

ЭГФДС НЯҚВни қабул қилган беморларда йилига камида 1 марта амалга оширилади.

Денситометрия (рентген абсорпциометрияси) куйидаги кўрсаткичлар учун: аёллар учун 50 ёшдан ва эркаклар учун 60 ёшдан катталарга, касалликнинг юқори фаоллигида (СРОнинг турғун 20 мг/л дан ортиқ ўсиши), Штейнброкер бўйича рентген босқичи III-IV бўлганда, НАҚ индекси 1,25 дан ортиқ, тана вазни 60 кг дан кам ва ГК қабул қилганда тавсия этилади.

Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:

- травматолог/ортопед - жарроҳлик аралашуви масаласини ҳал қилиш учун;
- РА тизимли зарарланиши билан касалликнинг оғир кечишида эндокринолог, пульмонолог, кардиолог, нефролог, гематолог, офталмолог;
- Гастроэнтеролог - ошқозон-ичак тракти зарарланганда;
- Фтизиатр - яширин сил инфекцияга гумон қилинганда ГИБВ тайинланган ҳолатларда;
- Стоматолог - ксеростомия, сўлак беши зарарланишининг ташхиси учун;
- Акушер-гинеколог - ҳомиладорликни режалаштириш ёки ҳомиладор аёллар учун.

3.2.Ташхислаш алгоритми:

- Кўриқда периферик бўғимлардан биттаси бўлса ҳам шишганлиги аниқланиши
- Оёқ ва/ёки қўлларда «сиқиш» симптоми мусбат
- 30 дақиқа ва ундан ортиқ вақт давом этадиган эрталабки қарахтлиқ

- Жисмоний текширишлар натижасида биттаси бўлса ҳам шишганлиги аниқланиши
- Бўғимларнинг яллиғланиши билан кузителиладиган бошқа касалликларни истисно қилиш
- Битта беморда касаллик манзараси хусусиятларини акс эттирувчи 4 позиция бўйича йиғиш мумкин бўлган 10 та баллдан камида 4 балл йиғиш
- Бўғимларнинг яллиғланиши билан кузителиладиган бошқа касалликларни истисно қилиш

А. Бўғимлар шикастланишининг клиник белгилари (объектив текширувда шиш ва/ёки оғрик) (0-5 балл)

- 1 та йирик бўғим
- 2-10 та йирик бўғим

– 1-3та майда бўғимлар
(йирик бўғимлар ҳисобга олинмайди)
– 4-10 та майда бўғимлар
(йирик бўғимлар ҳисобга олинмайди)
10 тадан ортиқ бўғимлар (камида 1та
тест талаб қилинади)

**В. РО/АЦЦП тести салбий (камида 1 та
тест талаб қилинади)**

- РО/АЦЦП тести кучсиз ижобий
(норманинг юқори чегарасидан 3
мартага ошади)
- РО/АЦЦП тести кучли ижобий
(норманинг юқори чегарасидан 3
мартадан кўп ошади)

**С. Ўткир фазали кўрсаткичлар (0-1
балл, камида 1 та тест талаб
қилинади)**

- ЭЧТ ва СРО кўрсаткичлари
меъёрида

**Д. Синовитнинг давомийлиги (0-1
балл)**

- 6 ҳафтадан кам
- 6 ҳафта ва ундан ортиқ

РАни эрта босқичларда аниқлаш алгоритми

РАга шубҳа артрит
(ЭЧТ ва СРО кўтарилиши ёки кўтарилмаслиги)

РОни аниқлаш

РО титри юқори

РО титри паст

РО титри манфий

РА эҳтимоли юқорилиги
касалликнинг агрессив
кечиши хавфи юқори

Анти-ЦЦП аниқлаш
натижа манфий

натижа мусбат

БЯҚВни ёки уларнинг
комбинациясини зудлик
билан тайинлаш

Бўғимларни УТТ

Бўғимларни МРТ

паннусни, эрозияларни аниқлаш синовит,
тендовагинит, ревматоид тугунчаларни
ташхисини тасдиқлаш

диагностик аҳмиятга эга
ўзгаришлар йўқлиги

РА эҳтимоли юқори

РА эҳтимоли паст

[https://umedp.ru/articles/metodicheskie_rekomendatsii_po_rentgenologicheskim_metodam_issledovaniya_pri_revmatoidnom_artrite_i_.html]

3.3. Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асослаш:

Ташхис	Қиёсий ташхис учун асос	Текширувлар	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
Остеоартроз	Юмшоқ тўқималарнинг бир оз шиши, ДФАБ қўшилиши	УҚТ, АЦЦП, бўғимлар рентгенографи яси	Эрталабки кучли карахтлик бўлмаслиги, бўғимлардаги оғриқлар бошланғич ёки механик ҳолатда, АЦЦП, РО манфий. Қўл панжа R-граммасида остеосклероз, остеофитоз манзараси.
Тизимли қизил бўрича	Бўғим синдроми: майда бўғимлар артрити	УҚТ, АЦЦП, РО, АНФ, АНА, бўғимлар рентгени	Ноэрозив артрит, АНФ, АНА юқори титрда. Ички аъзолар тизимли шикастланиши ва яққол конституционал синдром кузатилади.
Подагра	Бўғим синдроми.	УҚТ, УСТ, АЦЦП, РО, сийдик кислотаси, бўғимлар рентгени ва пункцияси	Кўпроқ 40-50 ёшли эркакларда кузатилади. 1 плюснефаланг бўғими ўткир артрити. Тофуслар бўлиши. Гиперурекемия. Синовиал суюқликда натрий моноурат кристаллари. Эрозиясиз субкортикал кисталар.
Реактив артрит	Асимметрик моноартрит, олигоартрит	УҚТ, УСТ, РО, АЦЦП, HLA-B27, хламидийга тест, чанок суяклари рентгени	40 ёшгача бўлганларда кузатилади. Ичак ва сийдик йўллари-жинсий аъзолар инфекциялари билан боғлиқ. Асимметриклик, оёқларнинг шикастланиши, сосискасимон шиш, энтезитлар хос. Конъюнктивит. РО ва АЦЦП кузатилмайди, Ренгенологик сакроилеит.
Псориатик артрит	Асимметрик моноартрит, олигоартрит, баъзан симметрик полиартрит	УҚТ, УСТ, РО, АЦЦП, HLA-B27, чанок суяклари рентгени	Псориаз билан боғлиқ. Мутилланувчи, «ўқли, сосискасимон» артрит, дактилит. Умуртқа поҳонаси, ДФАБ шикастланиши, энтезитлар. РО ва АЦЦП кузатилмайди; бир ёки икки томонлама сакроилеит. Кўп

			ҳолларда HLA-B27 серопозитив.
Тизимли склеродермия	Бўғим синдроми	УҚТ, Иммунологик тестлар	Рейно феномени ва терининг қаттиқлашиши, қизилўнгач, ўпканинг шикастланиши; кам ҳолларда артрит кузатилиши мумкин, одатда артралгиялар; эрозив артрит кузатилмайди.
Ревматик полимиалгия	Бўғим синдроми	УҚТ, РО, АЦЦП, бўғимлар рентгени	Ўқ бўғимлар ва проксимал мушаклар гуруҳида диффуз оғрик ва эрталабки қарахтлик. ГКС терапияга кучли жавоб беради. ЭЧТ яққол кўтарилиши, кўпинча 50 ёшдан катталарда кузатилади
Вирусли артритлар	Бўғим синдроми	УҚТ, РО, бўғимлар рентгени	Инфекцион касалликлар ўтказганлиги. Билак-қафт ва қафт бўғимларининг симметрик шикастланиши билан эрталабки қарахтлик, РО кузатилиши мумкин, вирусли экзантема. 4-6 ҳафтада ўз-ўзидан ўтиб кетади.

[<https://cyberleninka.ru/article/n/differentsialnaya-diagnostika-pri-porazhenii-sustavov-i-pozvonochnika>]

4. Амбулатория даражасида даволаш тактикаси:

Умумий тамойиллар.

Беморларни ревматологлар даволаши керак.

Даволаш шифокор ва бемор ўртасидаги яқин ҳамкорликка асосланган (бемор ва ревматолог ўртасида келишилган бўлиши керак)

БЯҚВ билан даволаш имкон қадар эрта, "имконият ойнаси" (window of opportunity) – РА нинг биринчи белгилари ривожланиш пайтидан биринчи 3 ой ичида бошланиши керак.

Даволаш қуйидагиларга асосланган: фаоллик даражаси, йўлдош касалликлар мавжудлиги, бўғимларнинг структур жароҳатланишини авж олиш тезлиги ва даволаш хавфсизлиги.

IV D	Эрта РА ва дифференцияланмаган артрит ташхисини қўйиш қийин бўлганда қафтлар МРТси тавсия этилади
------	---------------------------------------------------------------------------------------------------

Даволаш узоқ муддатли ремиссия ёки касалликнинг паст фаоллигига эришишга қаратилган бўлиши керак (далиллар даражаси 1a, тавсия кучи А)

IV D	Эрта РА ва дифференцияланмаган артрит ташхисини қўйиш қийин бўлганда қафтлар МРТси тавсия этилади
------	---------------------------------------------------------------------------------------------------

Даволаш самарадорлиги ҳар 1-3 ойда баҳоланиши керак, агар самарасиз бўлса, даволашдан 6 ойдан кейин коррекция қилиниши керак (далиллар даражаси 2 в, тавсия кучи В.) РА

Даволаш беморнинг ҳаёти давомида амалга оширилиши тавсия этилади.

Даволаш НТ ривожлантиши билан кузатилиши мумкин.

4.1. Номедикаментоз (дори-воситаларисиз) даволаш:

Ярим тўйинган ёғ кислоталари сақлайдиган маҳсулотлардан (балиқ мойи, зайтун мойи ва б.) иборат мувозанатлаштирилган пархез, ҳўл мевалар, сабзавотлар. Бунақа пархез яллиғланишни сусайтириб, кардиоваскуляр асоратлар хавфини камайтиради.

Мунтазам жисмоний фаоллик. Доимий жисмоний тарбия функционал ҳолатни яхшилади ва беморларнинг иш қобилиятини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Физиотерапия: иссиқ ёки совуқ муолажаларлар, ультратовуш, игна билан даволаш, лазертерапияси.

Ортопедик муолажалар – бўғимлар деформациясининг олдини олиш ва коррекция қилиш (протезлар, стелькалар, ортопедик пойафзаллар).

Касалликнинг кучайишини келтириб чиқарадиган омиллардан сақланиш (интеркурент инфекциялар, стресс, чекиш, спиртли ичимликлар ва бошқалар.).

Оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш.

Чекиш, семизлик ва парадонтит - РА ривожланиши ва авж олиши учун хавф омиллари бўлиб, БЯҚВ ва ТНФ- α ингибиторлари билан даволаш самарадорлигини камайтиради ва ўлим даражасини, шу жумладан юрак қон томир касалликларидан ўлимни оширади.

Жисмоний машқлар :

Даволовчи жисмоний тарбия РА ташхиси қўйилган вақтдан бошлаб барча беморлар учун аввал инструктор раҳбарлигида, сўнг уй шароитида касбий кўмак ёрдамида куч машқлари, бармоқлар ҳаракатлари ва моторикасини яхшиловчи машқлар билан биргаликда бажарилиши тавсия этилади.

Далилларнинг ишончлилиқ даражаси - Ia, тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - B

Функционал чегараланиши бўлган РА билан беморларга эрготерапия (ЭТ) тавсия қилинади.

Далилларнинг ишончлилиқ даражаси - Ia, тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – B

Ревматоид артритли бемор ўз-ўзига хизмат қилиш фаолиятини сақлаб қолиши учун энг фойдали бўлган маҳсус ҳаракатларни ўрганиши керак. Қўл бўғимларига алоҳида эътибор бериш керак. Қўлларнинг ташқарига оғиши билан ҳаракатлардан сақланиши керак. Қўл кафтининг ўйноқи ульнар девиацияси ёки унга мойиллиги билан бемор қўлларнинг тўғри ўқини тиклаш учун шароит яратиши керак: - қўл ўқини тиклаш – кафтни "қирғоғи билан" ёки пастга (кафтни ташқарига оғдирмасдан) ушлаб туриш қондаси; - қўлнинг кўндаланг ва бўйлама гумбазини асраш; - кафтни тинч ҳолатда тўғри тутиш – кафт теннис коптокчасида, цилиндрсимон, конуссимон юзада туради.

Жисмоний терапия машқлари учун қарши кўрсатмаларни ҳисобга олиш керак.

Ортопедик тавсиялар :

Хорижий адабиётларда «occupational therapy- меҳнат билан даволаш» «эрготерапия» ибораси эквиваленти бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

бўғимларни муҳофаза қилиш ва қувватни сақлаш,

бармоқларнинг майда моторикаларини машқ қилиш, ҳаракат кўникмаларини ўргатиш, тўғри функционал стереотипни шакллантириш, меҳнат амалиётларини бажариш, ёрдамчи мосламалар, шина ва протезлардан фойдаланиш, ўз-ўзига хизматни енгиллаштирувчи турмуш анжомлари, кўшимча жиҳозлар билан ишлаш, уй ва касбий меҳнатни бажариш.

Физиотерапевтик тавсиялар :

Реабилитация дастурига касбий терапия, аэробик, куч, гуруҳ ва индивидуал даволовчи жисмоний тарбия, физиотерапия (электр, магнит, лазер, балнео, пелоид, криотерапия, акупунктура, ультратовуш), ортотика, беморлар учун таълим дастурлари ва психологик тузатиш киради

[<https://naukaru.ru/upload/b7e930210942d4c643fe9ad2bf10a767/files/2da918a1113bf9cd9a81ac15387298fa.pdf>]

4.2.Медикаментоз (дори-воситалари билан) даволаш:

РАнинг давоси беморга индивидуал ёндашиб, беморнинг хоҳиш ва истакларига, хавф омиллари (ёши, жинси, ёндош патологияси, семизлик, стресс, инфекция, зарарли одатлар ва ирсий омиллар), яллиғланиш белгиларининг борлиги, оғриқ даражаси, кундалик фаолиятларнинг чегараланганлиги ва хаёт сифатига мос ҳолатда олиб борилиши лозим.

Қуйидаги дори воситалари РА ни даволашда асосий ўрин тутади:

Синтетик базис яллиғланишга қарши стандарт воситалар

Базис ген-инженер биологик воситалар

Глюкокортикостероидлар

Қўшимча дори воситалари

Базис яллиғланишга қарши воситалар

Синтетик стандарт:

метотрексат, лефлуномид, сульфасалазин, гидроксихлоролин ва бошқалар

Янус-киназа ингибиторлари – перорал таргет синтетик базис яллиғланишга қарши воситалар

Ген-инженер биологик:

ФНО-α ингибиторлари, бошқа механизмли ГИБП, ИЛ-6 ингибиторлари

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

1-жадвал

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг Халқаро патентланган номи	Қўллаш тартиби	Далиллар даражаси
ўсмага қарши восита, антиметаболит	Метотрексат	2,5 мг, 5 мг таблеткалар, ичишга, 10-15мг ҳафтада 1-2 марта	1 А
ўсмага қарши восита, антиметаболит	Метотрексат	олдиндан тўлдирилган шприцлар 7,5 мг-22,5 мг тери остига, ҳафтада 1 марта	2 В

иммунодепрессант	Лефлуноמיד	20 мг таблетка, ичишга, 10-20 мг, кунига 1 марта	1 А
сульфаниламидли восита	Сульфасалазин	500мг таблетка, ичишга, кунига 2-3 марта	1 А
безгакка қарши восита	Гидроксихлорохин	200мг таблетка, ичишга, кунига 1-2 марта	2 В
			[https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25340036]
Глюкокортикоидлар			
глюкокортикоид	Преднизолон	5 мг таблетка, ичишга, 0,3–0,5 мг/кг/сутка, схема бўйича	1 А
глюкокортикоид	Преднизолон	ампула, 1мл /30мг, 30мг-120мг, т/и томчилатиб, кунига 1 марта	1 А
глюкокортикоид	Метилпреднизолон	таблетка 4 мг, 16мг, 0,3–0,5 мг/кг/сутка, схема бўйича	1 А
